

Толаметова З.А.,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети «Иқтисодиёт
назарияси» кафедраси доценти, иқтисод
фанлари номзоди

АҲОЛИНИНГ МЕҲНАТДА БАНДЛИГИ ВА УНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

ТОЛАМЕТОВА З.А. АҲОЛИНИНГ МЕҲНАТДА БАНДЛИГИ ВА УНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мақолада аҳолининг меҳнатда бандлигини ижтимоий-иқтисодий моҳияти ёритилгани ҳолда, дунё миқёсидаги баъзи мамлакатларда бандликни таъминлашдаги юзага келаётган муаммолар, республикамизда меҳнат ресурслари бандлигини таъминлаш борасида давлат томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар баён этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида аҳоли бандлиги даражасини оширишнинг истиқболли йўналишлари бўйича таклифлар берилган.

Таянч иборалар: бандлик, эгилувчан меҳнатда бандлик, анъанавий меҳнатда бандлик, монетар сиёсат, меҳнат биржалари.

ТОЛАМЕТОВА З.А. ЗАНЯТОСТЬ НАСЕЛЕНИЯ И ПЕРСПЕКТИВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ЕЁ ОБЕСПЕЧЕНИЯ

В статье освещается социально-экономическая сущность занятости населения, выявлены проблемы обеспечения занятости населения в некоторых странах мира, изложены меры, осуществляемые государством по поддержке занятости населения в Узбекистане, даны предложения по перспективным направлениям повышения занятости в республике.

Ключевые слова: занятость, гибкая занятость, традиционная занятость, монетарная политика, биржи труда.

TOLAMETOVA Z.A. POPULATION EMPLOYMENT AND PERSPECTIVE DIRECTION OF PERFECTION

In the article is illuminated social economic essence to employment of the population and revealed problems in provision of employment of the population in some countries. There are discussed measures to be realized by public institutions for employment perfection. As well there are given offers for perspective directions of employment increasing in the Republic.

Keywords: employment, flexible employment, traditional employment, monetary policy, labor exchanges.

Меҳнат ресурсларининг бандлиги ҳамда унинг даражаси ҳар қандай давлат иқтисодийтини кўрсатувчи ва ифодаловчи белгилардан биридир. Меҳнат ресурсларининг бандлик даражаси қанчалик юқори бўлса, ишсизлик даражаси шунчалик паст бўлади, яъни бу икки иқтисодий категория бир-бирига номутаносиб характерга эга.

Иш билан бандлик ижтимоий-иқтисодий категория сифатида ижтимоий меҳнат муносабатларининг турли-туман шаклларида иборат бўлиб, кишилар у ёки бу иш ўрнидан ижтимоий фойдали фаолиятда тегишли даромад олиш билан иштирок этиш учун бу муносабатларга киришадилар.

Меҳнат ресурсларининг бандлиги, унинг товар сифатидаги ишчи кучи меҳнат бозорини тарқатганда ва уни истеъмол қилиш бошланганда вужудга келади. Бандлик муносабатлари барча меҳнатга қобилиятли шахслар, ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этаётганларни, уларнинг иштирок этиш даражаси қандай эканлигини кўрсатиб беради.

Ўзбекистон Республикасида бандлик таркибига 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган ва ундан катта ёшдаги жисмоний ҳамда руҳан соғлом аҳоли гуруҳи киради, улар қуйидаги кўринишда намоён бўлади:

1) ёлланиб иш бажарувчи ва бунинг учун тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган иш вақти шарт асосида ҳақ оладиганлар, даромад келтирувчи бошқа иш билан шуғулланганлар;

2) турли сабабларга кўра (касаллик, таътил, хизмат сафари, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва ҳ.к.) вақтинча ишда бўлмаганлар;

3) оилавий корхонада ҳақ олмасдан иш бажарганлар.

Халқаро меҳнат ташкилотининг таърифига кўра, «иш билан банд бўлганларга» қуйидаги шахслар киритилади.

I. Ёлланиш бўйича иш билан бандлар:

1) ишловчилар – ҳисобот даври мобайнида иш ҳақи эвазига маълум бир иш бажарганлар;

2) иш ўрнига эга бўлиб, ҳисобот даврида вақтинча ишламаётганлар, лекин расман ўз иш ўринларини сақлаб қолганлар.

II. Ўз корхонасида бандлар:

1) ишлаётган шахслар, улар ҳисобот даврида даромад олиш учун маълум бир иш билан шуғулланганлар;

2) корхонага эга бўлиб, ҳисобот даврида бирон сабабга кўра ишламаётганлар.

Бандликнинг ўзи 2 гуруҳга бўлинади:

1) анъанавий бандлик, яъни тўла иш ҳафтасида доимий бандлар;

2) ноанъанавий (эгиловчан) бандлик.


Ўзбекистоннинг бозор иқтисодийтига ўтиш жараёнида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида меҳнат ресурслари бандлигининг янги шакл ва усуллари келтириб чиқарди. Эгиловчан бандлик ёлланма ишчи кучи таркибининг ўзгариш тенденциясини ифодаловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. У меҳнат бозорининг таркибий қисми бўлиб, шунингдек, яна бир қатор элементларни ўз ичига олади (1-расм):

- функционал эгиловчанлик (кенг миқёсдаги мутахассисликка эга бўлган ишчиларнинг ўрин алмашиб ишлаши);

- меҳнатга ҳақ тўлашнинг эгиловчан тизимлари;

- масофавий эгиловчанлик (кичик тизимларда субконтракт тизими асосида ишлаш).

Бандлик ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг асосий мезонидир. Чунки бандлик жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда иқтисодий меҳнат унумдорлиги ва турмуш даражасини оширишда асосий ўринга эга. Бандлик касбий маҳоратни оширишда мам-

1-расм. Меҳнатга лаёқатли аҳоли¹.

лакат барқарорлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Жаҳон миқёсидаги ҳали ҳануз давом этаётган глобал инқироз натижасида дунё бозорларида талабнинг кескин камайиб, ноаниқлик сақланиб қолаётгани рақобатнинг янада кучайиб бораётгани, ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши жаҳондаги кўпчилик мамлакатларда бандлик билан боғлиқ жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

2013 йилда дунё миқёсида 3 млрд киши банд бўлгани ҳолда, улардан 1,65 млрд киши ёлланиш асосида банд бўлганлар ва иш ҳақи оладилар, яна 1,5 млрд киши қишлоқ хўжалигида, кичик оилавий корхоналар ва мавсумий ишларда банддир².

Дунё миқёсида глобал муаммолардан бири шундаки, ривожланаётган ва ривожланмаган мамлакатларда яшаётган ишчиларнинг аксарияти норасмий бандлар тоифасига мансуб бўлиб, рўйхатдан ўтмаган

фирмаларда фаолият олиб бормоқдалар. Мазкур иш жойларининг аксариятида меҳнат шароити талабларга жавоб бермайди, ишчилар ижтимоий суғурта ҳам қилинмаган.

Шунингдек, дунё миқёсида ривожланаётган мамлакатларнинг аксариятида ишчилар майда деҳқон хўжаликларида вақтинчалик, барқарор иш ҳақи мавжуд бўлмаган паст малакали меҳнат фаолияти билан банддирлар. Бунинг натижасида уларнинг аксарияти бир нечта иш жойларида банд бўлишга мажбурдирлар, шундай бўлса-да, уларнинг аксарияти топган маблағлари ўзи ва оиласи учун муносиб турмуш даражасини таъминлашга етмайди.

Жаҳон миқёсида баъзи мамлакатларда меҳнат ресурсларининг кўпайиб бораётганини, баъзиларида камайиб бораётганини кузатишимиз мумкин. Меҳнат ресурсларининг миқдорий ўзгариши бандлик масалалари долзарблигини келтириб чиқармоқда.

1990 йилдан бошлаб Хитой меҳнат бозорига ҳар йили 8 млн киши келиб қўшилса, Ҳиндистонда ҳар йили 7 млн киши меҳнат ресурслари таркибига келиб қўшилади, Украина меҳнат ресурслари эса ҳар йилига

¹ Толаметова З.А. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида меҳнат бозорини ривожлантириш йўналишлари. – Т.: «Иқтисодиёт», 2014.

² Доклад о мировом развитии 2013. www.worldbank.org/http://creativecommons.org/licenses/by/6-6

160 минг кишига қисқариб бормоқда¹. Шаҳарларнинг тезда кўпайиб бораётгани ҳам бандлик таркибига ўз таъсирини кўрсатади. 2020 йилга бориб аҳолининг ярми ривожланаётган мамлакатлардаги катта ва кичик шаҳарларда яшайди. Натижада қишлоқ хўжалигига нисбатан ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида бандлик кўпайиб боради.

Аҳолининг меҳнатда бандлик ҳолатига демографик жараёнлар ўз таъсирини кўрсатар экан, республикамизда аҳолининг ўсиши юқоридир, айти вақтларда дунё миқёсида баъзи мамлакатларда, жумладан Европа мамлакатларида аҳолининг кексаяиши кузатилмоқда.

Мазкур мамлакатларда меҳнат ресурсларига нисбатан кекса аҳоли улушининг ошиб бораётгани бандликка ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Кекса аҳоли улуши кўпайишининг сабаблари:

1. Туғилишнинг камайиши, ёшлар сонининг қисқариши.
2. Умр кўриш ёшининг ошиб бориши.

Европа мамлакатларида кекса аҳоли улушининг меҳнатга лаёқатли аҳолига нисбатан ошиб боришининг оқибатлари:

1. Аҳоли иқтисодий фаоллигининг пасайиши.
2. Аҳоли ҳаракатчанлигининг пасайиши.
3. Пенсия фонди маблағларини тўлайдиган меҳнатга лаёқатли аҳоли улушининг қисқариши.
4. Давлат ижтимоий хизматларига эҳтиёжларнинг ортиши.

Демографик вазият 2050 йилда дунё аҳолиси 9,3 миллиард бўлишини кўрсатмоқда, бу даврда ҳар бир аёлга 2 нафардан фарзанд тўғри келади. 2050 йилда 65 ёшдан катталар 2010 йилга нисбатан 3 баробар кўпаяди. Осиёда аёллар кўпайиши кутил-

¹ Доклад о мировом развитии 2013. www.worldbank.org/http://creativecommons.org/licenses/ by 6-6

моқда. 15 ёшдан кичик ёшдагиларнинг ўсиши барқарор бўлиб қолади².


Ривожланган давлатларда эса меҳнатга лаёқатли ёшдагилар қисқариб боради. Мазкур мамлакатлардаги демографик жараёнлар кекса аҳоли улуши кўпайишининг иқтисодий ўсишга салбий таъсир қилиши, натижада бир қанча ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаришини кўрсатмоқда.

Дунё миқёсида бандлик бўйича долзарб муаммолардан бири – бу норасмий меҳнатда бандлик оқимларининг кенгайиб бораётганлиги, шунингдек, банд бўлганларнинг аксарияти иш жойларининг етишмаслиги сабабли қисқартирилган иш кунида банд бўлаётганлигидир.

Африка мамлакатларидаги ёшларнинг 80 фоизини норасмий меҳнатда бандлар ташкил этмоқдаки, ёшлар ва аёлларнинг аксарияти норасмий бандлар қаторига қўшилиб қолмоқда. Масалан, Лотин Америкасидаги ёшларнинг 10 нафаридан 6 нафари норасмий бандлар қаторига кириб қолган. Россияда меҳнат бозорига биринчи марта кириб келаётган ёшларнинг 50,9 фоизи норасмий бандлардир, Арманистонда ёшларнинг 64,2 фоизи, Мисрда 91,1 фоизи норасмий бандларни ташкил этмоқда³. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, норасмий иш жойлари сифатсиз бўлиб, талабларга мутлақо жавоб бермайди. Дунё миқёсида норасмий меҳнатда бандлик қишлоқ хўжалигида кўпроқ учрамоқда, шунингдек аёллар ўртасидаги норасмий меҳнатда бандлик эркакларга нисбатан юқоридир. Меҳнат бозорида гендер тенглиги масалаларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2013 йилда дунё миқёсида банд бўлган аёлларнинг 49,1 фоизи, иш билан банд эркакларнинг 46,9 фоизи бандлик кафолатлари уму-

² «Политика в сфере занятости в целях устойчивого восстановления и развития». Международная конференция труда. 2014.. www.ilo.org/publns. <http://www.ilo.org/wemsp> 5 groups/public/--ed_norm/---relconf documents meetingdocument wems_204976. Pdf. -32-6.

³ Ўша манба, 14-6.

2-расм. Меҳнат ресурсларининг тақсимланиши (%да)¹.

ман бўлмаган иш жойларида банддирлар². Жаҳондаги кўпчилик мамлакатларда аёлларнинг меҳнатда бандлиги етарли даражада бўлмай, эркеклар бандлиги эса 4/5 қисми ташкил этади. Масалан, Покистонда бандларнинг 28%ини аёллар, Танзания ва Вьетнамда банд бўлганларнинг 75%ини эркеклар ташкил этади³. Аёллар эркекларга нисбатан кам даромад топадилар, бунинг сабаби уларнинг саводсизлиги ёки таълим даражаси, тажрибаси пастлигидир.

Дунё миқёсида глобал тадқиқотларнинг кўрсатишича, иш берувчиларнинг 35-40 фоизи бўш иш жойларига кадрларни топшда қийинчиликларга учрамоқдалар, чунки бўш иш жойларига ўз меҳнатларини тақлиф этаётганларнинг малакаси, касб-

корининг иш жойларидаги талабларга мос келмаслигидир⁴.

Аҳолининг меҳнатда бандлик даражасига қуйидаги омиллар таъсир этади:

- демографик жараёнлар;
- глобализация;
- урбанизация;
- техника тараққиёти;
- макроиқтисодий инқирозлар ва иқтисодий пасайишлар.

Худуднинг меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиши фақат меҳнат ресурсларининг бандлиги билангина эмас, балки унинг таркибий тизимида тармоқлар ва соҳаларда қандай бандлиги билан ҳам ифодаланади.

Аҳоли бандлиги соҳасининг таҳлили шуни кўрсатадики:

- мустақилликкача бўлган даврда ишловчиларнинг асосан кўпчилик қисми ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлиб, хизмат кўрсатиш соҳаларидаги меҳнат билан бандлик етарли даражада бўлмаган;
- қишлоқ хўжалигидаги иш билан бандлик даражаси ҳам юқори бўлиб келган.

Республикамизда мустақилликкача бўлган даврларда қишлоқларда меҳнатга лаё-

¹ Манба: Труд и занятость в Узбекистане 2015.

² «Политика в сфере занятости в целях устойчивого восстановления и развития». Международная конференция труда. 2014. www.ilo.org/publns. http://www.ilo.org/wemsp/5/groups/public/-/ed_norm/-/relconf_documents_meetingdocument_wems_204976. Pdf. -40-6.

³ Доклад о мировом развитии 2013. www.worldbank.org/http/creativecommons.org/licenses/by/. -3-6.

⁴ Уша жойда, 48-б.

қатли аҳолининг аксарият қисми қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд эди.

Иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви, иқтисодиётдаги модернизациялаш жараёни ва инвестиция сиёсати, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши бозор тузилмалари тармоғининг кенгайиши ҳамда аҳолининг ўз-ўзини иш билан таъминлаши – иқтисодий фаолликнинг ошишига асос бўлди ва бандликнинг қуйидаги жараёнлари кўзга ташланди:

- меҳнатга лаёқатли ёшга етган ёшлар меҳнат бозорига фаолроқ кира бошлади;

- молия, кредит ва суғурта тизимларида, савдо, умумий овқатланиш, уй-жой, коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида бандлик йилдан-йилга ўсиб бормоқда;

- қишлоқ хўжалигидан ортиқча ишчи кучини бўшатиб, бошқа соҳаларга ўтказиш жараёни жадаллашди;

- корхона ва ташкилотларнинг мулк шакллари бўйича бандлигида тузилмавий силжишлар давом этмоқда.

Ўзбекистонда аҳоли сони 2014 йилда 30492,8 минг кишини ташкил этди. 2015 йилда аҳоли сони 31022,5 мингдан иборат бўлиб, эркалар 15552,2 мингдан, аёллар 15470,3 мингдан иборат бўлди. 2013 йилда меҳнатга лаёқатли ёшдаги доимий аҳоли сони 18517,6 минг кишидан, 2014 йилда эса 18814,0 минг кишидан иборат бўлди. Бу жами аҳолининг 61,7 физини ташкил этди¹.

2015 йилда меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар 29,9 фоиздан, меҳнатга лаёқатли ёшдагилар 61,4 фоиздан, меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар 8,7 фоиздан иборат бўлди.

Аҳолининг меҳнатда бандлигини таъминлашда меҳнат ресурсларининг иқтисодий фаол ва нофаол гуруҳларга бўлинишига эътибор қаратиш зарур. 2013 йилда Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурслари 17814,1 мингдан иборат бўлгани ҳолда, 8214,6 минги, яъни 46,1 фоизи қишлоқ жойлари улушига тўғри келди. 2013 йилда республикада иқтисодий фаол аҳоли 13163,0 минг кишини, яъни 73,9 фоизни

ташкил этди, иқтисодий нофаол аҳоли 4651,1 минг кишидан, яъни 26,1 фоиздан иборат бўлди².

2014 йилда меҳнат ресурслари 18048,0 мингдан, иқтисодий фаол аҳоли 13505,4 мингдан, яъни 74,8 фоиздан, нофаол аҳоли 25,2 фоиздан, иқтисодиётда банд бўлганлар 12818,4 мингдан иборат бўлди³.

Меҳнат ресурсларининг банд бўлмаган қатламини иш билан таъминлаш мақсадида кўплаб меҳнат биржалари ташкил этилди. Вилоят ва туманлараро «Бандлик» дастурлари ишлаб чиқилиб, бу борада амалий ишлар олиб борилмоқда. Энг муҳими бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясида белгиланган «Давлат – бош ислохотчи» тамойили асосида иқтисодий ислохотлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиёт таркибий тузилишини ўзгартириш жараёнлари бозор ислохотлари билан биргаликда қўшиб олиб борилгани ҳолда янги иш ўринларини вужудга келтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини ва хизмат кўрсатиш соҳаларини қишлоқ жойларига киритиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кўплаб ташкил этиш йўли билан янги иш ўринларини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис кишилар учун мақбул ва юқори даромад олишни таъминлайдиган ҳамда оқилона, самарали иш билан бандлигини таъминлашга қодир бўлган иқтисодиёт таркиби шакллантирилди.

Республикамизда янги иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодиёт тармоқлари таркибини диверсификация қилиш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва шунингдек, 12 йиллик мажбурий таълим тизимига ўтиш борасида қўрилган чора-тадбирлар аҳолининг бандлик даражасини янада ошириш имконини берди⁴.

Меҳнат ресурсларининг бандлиги аҳолининг муҳим ижтимоий-иқтисодий тавсифи ҳисобланади. Республикамизда бандлик-


¹ Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. – Т., 2015. -15-, 17-б.

² Ўша манба. -32-б.

³ Ўша манба. -33-б.

⁴ Труд и занятость в Узбекистане 2014.

3-расм. Иқтисодиётда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сони



нинг энг юқори даражаси 35 ёшдан 45 ёшгача бўлган аҳолига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш ўринларини ташкил этиш муаммоларини изчил ҳал этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётдаги банд аҳоли сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда, натижада 2012 йилда иқтисодиётда банд бўлганлар 12224 мингдан иборат бўлгани ҳолда банд бўлганлардан 45,4%и аёллар, 54,6%ини эркеклар ташкил этди.

2013 йилда иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар 12523 минг кишидан иборат бўлгани ҳолда, банд бўлганларнинг 12,9 фоизи саноатда, 27,2 фоизи қишлоқ ва ўрмон хўжалигида, 9,3 фоизи қурилишда, 5,3 фоизи транспорт ва алоқада, 11,0 фоизи савдо ва умумий овқатланишда, 3,6 фоизи уй жой коммунал хўжалигида, 13,1 фоизи таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатишда, 0,5 фоизи молия кредит ва суғурта тармоқларида ўз фаолиятларини олиб боришди. Шунингдек, иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганларнинг 45,7 фоизини аёллар, 54,3 фоизини эркеклар ташкил этди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш ўринлари ташкил этиш муаммоларини изчил ҳал этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётдаги банд аҳоли сони

2,5%га ўсди ва 2014 йилда 12818 минг кишига етди. Аҳоли бандлиги таркибида ҳам муҳим ижобий ўзгаришлар таъминланди. Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида иш билан банд бўлганларнинг 60%и давлат сектори ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2014 йилда иқтисодиётнинг нодавлат секторидаги банд бўлган кишилар улуши 81,9%ни, давлат секторида 18,1%ни ташкил этди¹. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда бандлар 76%ни ташкил этди. 2014 йилда бандликнинг энг юқори кўрсаткичлари Андижон вилоятида 1245,0,7 минг кишини, Самарқанд вилоятида 1402,5 минг кишини, Фарғона вилоятида 1462,8 минг кишини, Тошкент вилоятида 1272,4 минг кишини ташкил этди².

Аҳолининг бандлик даражаси, даромадлари ва унинг турмуш даражасини ошириш, шунингдек, меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талабни янада тўлароқ қондириш бўйича республикамиз ҳудудлари ва иқтисодиёт тармоқларидаги мавжуд меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасида янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги даврда ундан самарали фойдаланилмоқда.

¹ Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами, 2014.

² Ўзбекистон Республикасининг йиллик статистик тўплами, 2015. -63-б.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий, демографик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда касаначилик ва оилавий тадбиркорлик каби аҳоли бандлигини таъминлашнинг янги шакллари фаол ривожлантириб бормоқда.

Бандликнинг соҳалар бўйича таркибида ҳам ижобий тенденциялар кузатилмоқда: кишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сони сезиларли даражада камайди. Агар ўтган асрнинг 90-йилларининг бошида мазкур соҳада ишловчилар сони жами иш билан банд бўлганларнинг 40%ини ташкил этган бўлса, 2014 йилда 27,6 фоиздан иборат бўлди. Хизмат кўрсатиш соҳаларида эса иш билан банд бўлганлар сони ўсиб, 2015 йилда 50%га етди. 2014 йилда саноатда банд бўлганлар 12,8 фоиздан, қурилишда 9,4 фоиздан иборат бўлди¹.

Натижада хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилдаги 49 фоиздан 2015 йилда 54,5 фоизга етди.

Деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар базасида чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш бўйича кўрилган чоратадбирлар аҳоли бандлигини таъминлашга сезиларли ҳисса бўлиб қўшилди.

Иқтисодийни модернизациялаш даврида аҳолининг самарали бандлигини юзага келтириш масалаларини ҳал қилиш, замонавий бандлик сиёсатини меҳнат бозорининг ривожланиши билан мувофиқ ҳолда бўлиши долзарб вазифалардан ҳисобланади ва унда қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- меҳнат ресурсларига бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатини истиқболда ҳам сақлаб қолиш;

- бандликнинг «уйдан чиқмасдан» компьютер технологиялари ва тегишли алоқа воситаларига асосланган иш ўрнига эга бўлиш борасидаги улуши ортиши;

- меҳнат ресурсларининг таклифи ва ишчи жойларининг миқдори ўртасида мувозанатликни келгусида ҳам сақлаб қолиш;

- янги ишчи ўринларини яратиш ва мавжуд иш жойларининг самарадорлигини ошириш.

Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида республикамизда 2013 йилда 970 минг киши иш билан таъминланди. 2015 йилда эса 980 мингдан ортиқ иш жойлари ташкил этилган бўлиб, бу иш ўринларининг 60 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларда яратилган. Шунингдек, 2015 йилда 480 мингдан ортиқ коллеж битирувчиси иш билан таъминланди. Тижорат банклари томонидан уларга ўз бизнесини ташкил этиш учун 280 млрд сўмга яқин имтиёзли кредитлар ажратилди ва бу 2014 йилга нисбатан 1,3 баробар кўпдир.

Глобаллашув жараёни меҳнат характерини ҳам ўзгартириб бормоқда. Дунё миқёсида яратилаётган иш жойларида хусусий сектор алоҳида ўринга эга бўлиб, 10 та яратилаётган иш жойини 9 таси хусусий сектор улушига тўғри келмоқда². Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун салмоқли меъёрий-ҳуқуқий асос яратилган, институционал ўзгартишлар амалга оширилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2014 йилда 20 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилди, уларнинг умумий сони эса 195 мингдан ортиқни ташкил этди. 2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида

¹ Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами, 2014. -35-б.

² www.undp.uz.

480 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 2000 йилда 31 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб, 56,7 фоиздан иборат бўлди. 2015 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлганлар 77 фоизни ташкил этди¹.

2015 йилнинг 1 июлидан якка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятдан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридан суғурта бадали ва якка тартибдаги иш берувчига тадбиркор учун ўрнатилган ставканинг 30 фоизи миқдоридан қатъий белгиланган солиқ тўлаш шарт билан бир нафардан уч нафаргача ишчини ёллаш ҳуқуқи берилади. Якка тартибдаги тадбиркорлар касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолда коллежни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун қатъий белгиланган солиқдан озод этилади.

Жаҳон банкининг «Бизнесни юритиш» рейтинги бўйича Ўзбекистон 2015 йилда 87-ўринга эга бўлди. «Янги бизнесни қўллаб қувватлаш» рейтинги бўйича эса 42-ўринни, «Кичик бизнес субъектларига кредит бериш» рейтинги бўйича ҳам 42-ўринни эгаллагани республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка алоҳида эътибор берилаётганидан далолат беради.

2015 йилнинг 1 январидан бошлаб республикамизнинг барча ҳудудларида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш

мақсадида «ягона дарча» марказлари фаолият бошлади. Ушбу марказларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- «Ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш;
- тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялашда шаффоликни таъминлаш;
- тадбиркорларга ахборот ёрдами кўрсатиш, давлат хизматларини кўрсатиш тартиби ва муддатлари тўғрисида бепул маслаҳат бериш.

Республикамизда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида оқилона бандликни таъминлаш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- республика иқтисодиётининг юқори самарали, экспортга йўналтирилган тузилмасини янада ривожлантириш;
- иқтисодиётнинг ўзак тармоқларини техника билан қайта жиҳозлаш, модернизациялаш жараёнини янада ривожлантириш;
- енгил ва қайта ишлаш саноати корхоналарини техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш. Бунда мукамал технологик жараённи ўз ичига олган, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган, минерал ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини сифатли қайта ишлайдиган қувватларни вужудга келтиришга устуворлик бериш;
- юқори технологияни ва илмталаб ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш асосида ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг устуворлигини таъминлаш;
- замонавий технологиялар асосида пахта толаси ва мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ташқи ва ички бозорларда талаб юқори бўлган тайёр экологик тоза тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш;
- саноатда бандликни ривожлантириш, бу орқали ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улушини оширишга эришиш, саноат ва қишлоқ хўжалигида туб таркибий ўзгаришларни узлуксиз давом эттириш, ху-

¹ Қаримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Қаримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

сусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнес-ни жадал ривожлантириш;

– хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, уларнинг иқтисодиётдаги ўрнини кенгайтириш ва кучайтириш. Чунки истиқболда хизмат кўрсатиш соҳаларининг ри-

вожлантирилиши мамлакатда, шу жумладан, қишлоқ жойларида кўплаб янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва турмуш даражасини ўстиришнинг муҳим омилига айланиши лозим.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

2. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. / Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь.

3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. –56-б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммити ялпи мажлисидаги нутқи. // «Халқ сўзи» газетаси, 2010 йил 22 сентябрь.

4. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. –80-б.

5. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд – Т.: «Ўзбекистон», 2009. –280-б.

6. Узбекистан в цифрах, 2013. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. –Т., 2013.

7. Толаметова З.А. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида меҳнат бозорининг ривожланиш йўналишлари. – Т.: «Иқтисодиёт», 2014. –305-б.

8. www.world.bank.org